

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ КОЛЛИЗИОН-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Эргашев Азамат Эргашевич**

ТДЮУ Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси доценти в.б.,

Email: [Azamat\\_8668@mail.ru](mailto:Azamat_8668@mail.ru)

### **АННОТОЦИЯ**

*Ушбу мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат эканлиги таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар.** Юридик шахс, қайта ташкил этиш, коллизия, чет эл юридик шахслари, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, жамиятни қўшиб юбориш, ташкилий-ҳуқуқий шакли.*

### **ABSTRACT**

*In this article, it is analyzed that it consists of normative legal documents aimed at improving the legal regulation of the reorganization and liquidation of legal entities in international private law, the practice of applying the law, the legislation and practice of some foreign countries, as well as the conceptual approaches, scientific-theoretical views and legal categories that exist in legal science. done*

***Keywords.** Legal entity, reorganization, collision, foreign legal entities, merger, acquisition, merger of society, organizational-legal form.*

### **КИРИШ**

Замонавий шароитларда иқтисодий-ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши, чет элементи билан мураккаблашган турли юридик шахслар иштирокидаги муносабатларни самарали тартибга солиш долзарблигини белгилаб беради.

Миллий қонунчилик чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, “2019 йилда Ўзбекистон Республикасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг (деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларсиз) 339 мингта рўйхатга олинган. Шундан 323 мингтаси фаол, 15,5 мингтаси нофаол. Янги ташкил этилганлари 55

мингтани ташкил этган бўлса, 16,7 мингта ташкилот фаолияти тугатилган. Бу кўрсаткичларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади”<sup>1</sup>.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар (деҳқон хўжаликлари ва фермерларсиз) янги ташкил этилганларининг кўрсаткичлари «2017 йилда 31,3 минг, 2018 йил 38,2 минг, 2019 йил ҳолатида эса, 48,9 мингтани ташкил этган бўлса, тугатилганлари сони 2017 йилда 25,2 минг, 2018 йил 21,9 минг, 2019 йил ҳолатида эса, 15,6 мингтани ташкил этди»<sup>2</sup>.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Юқоридаги кўрсаткичлари юридик шахсларни фаол ёки нофаол ҳолатда бўлиши, унинг муайян вақт оралиғида албатта қайта ташкил этилиши ёки тугатилишини кўрсатади. Юридик шахсни қайта ташкил этиш унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, миллий ҳуқуқ тизими ҳамда коллизия нормалар билан боғлиқлиги нуқтаи назардан қандай ўзига хосликларга эга? деган савол туғилиши табиий. Қайд этиш лозимки, юридик шахсни қайта ташкил этиш бўйича миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан муайян тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, айнан ушбу саволлар қўйилмаган.

Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахсларни коллизия ҳуқуқий тартибга солиш Фуқаролик кодексининг 1177-моддаси назарда тутилган бўлиб, “унда агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш назарда тутилган”<sup>3</sup>.

Бу ўринда Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини қайта ташкил этишни коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш зарурати нимада? деган ўринли савол туғилади. Юридик адабиётларда мазкур масалада турлича фикрлар мавжуд. Хусусан, М.М.Богуславскийнинг фикрича, “коллизия норма ҳаволаки хусусиятга эга, у фақат тегишли масалани ҳал қилувчи моддий ҳуқуққа ҳавола қилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ дастлаб айнан коллизия ҳуқуқ тарзида вужудга келган ва ҳозирга қадар бир қатор давлатларда шундай қабул қилинади”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/18.1%20Number%20of%20enterprises%20and%20organizations%20by%20area\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/18.1%20Number%20of%20enterprises%20and%20organizations%20by%20area_uzb.pdf)

<sup>2</sup> [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/18.4%20Number%20of%20small%20businesses%20by%20types%20of%20economic%20activity%20in%20terms%20of%20territory\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/18.4%20Number%20of%20small%20businesses%20by%20types%20of%20economic%20activity%20in%20terms%20of%20territory_uzb.pdf)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда

<sup>4</sup> Богуславский М.М. Международное частное право. Издание пятое, переработанное и дополненное. –Москва.: Юристъ, 2005. 60-61-б. (-510-с.)

С.Джолдасованинг таъкидлашича, “халқаро мерос ҳуқуқида коллизияни шундай ҳуқуқий ҳолат сифатида аниқлаш лозимки, бунда меросга оид муносабатлар чет эл элементи орқали ўзаро таъсир йўли билан тартибга солиш имконини берувчи икки ёки ундан ортиқ миллий ҳуқуқий тизим билан боғланади”<sup>5</sup>.

Муаллифнинг бу борадаги фикрларида айнан коллизион ҳуқуқий нормалар етарли даражада барқарорликка эга бўлишни тақазо этади. Бу эса, юридик шахсларга нисбатан қўллаш ва ҳуқуқий тартибга солишга имкон беради. Коллизион нормаларда ифодаланган юридик терминлар бевосита халқаро хусусий ҳуқуқда қўлланиладиган терминларга мос келишини англатади. Асосийси, юридик терминлар чет элда мавжуд юридик институтларни тезкорлик билан, оқилона ва тўлиқ таснифлашга имкон бериши ва бу билан тегишли муносабатга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган нормани рўёбга чиқаришни таъминлайди.

Бу ўринда коллизион норма фақат мерос муносабатларига эмас, балки халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға кирувчи бошқа масалаларни ҳам қамраб олади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам коллизион норма албатта бир неча миллий ҳуқуқ тизими билан алоқада бўлади. Коллизион норма ҳавола қилсада ундан у ҳавола қилган муайян моддий-ҳуқуқий норма асосида фойдаланиш мумкин. Унинг воситасида юзага келган муаммо қонун ҳужжати асосида ҳал қилинади. Бирок, бу билан коллизион норманинг аҳамиятини шунчаки кўрсаткич берувчи, маълумот тақдим қилувчи норма сифатида қабул қилмаслик лозим. Чунки, коллизион норма моддий ҳуқуқий норма билан биргаликда фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун муайян қоидаларни назарда тутади.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишга доир чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда коллизион нормаларни қўллаш муайян мураккабликларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, коллизион нормани қўллашда у чет эл давлати ҳуқуқиға ҳавола қилар экан суд ёки бошқа давлат органи фаолиятини мураккаблаштиради. Чунки, ушбу орган ўзининг миллий қонунчилиги, икки томонлама тузилган шартномаларға асосланган ҳолда коллизион нормани қўллаш орқали чет эл ҳуқуқини қўллаши лозим. Чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш, унинг моҳиятини тушуниш эса, яна бошқа масалаларни келтириб чиқариши мумкин.

Л.Х.Мингазовнинг фикрича, “оптимал ҳуқуқий нормани яратишға ҳаракат қилиш зарур. Бунда оптимал нормани тавсифловчи хусусият бўлиб норма

<sup>5</sup> Джолдасова С.Д. Регулирование отношений наследования в международном частном праве на основе коллизионных норм. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Т.: ТГЮИ, 2010. 12-б.

мазмунининг ва таркибий элементларининг такомиллашганлиги, ифодаланишнинг аниқлиги ва бошқа техник-юридик кўрсаткичлар ҳисобланади. Ҳуқуқий норманинг самарадорлиги ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг муваффақияти ва самарадорлигини таъминлайди”<sup>6</sup>.

Л.Х.Мингазовнинг фикрини А.Я.Аухатов қўллаб-қувватлайди ва “ҳуқуқий норманинг амал қилиши ва самарадорлиги унинг ички тақомили, ижтимоий қиймати, оптималлиги ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ деб ҳисоблайди”<sup>7</sup>. Қонун чиқарувчи коллизион нормаларни шакллантиришда муаммони “ҳалқаро микёсдаги қонун чиқарувчи” сифатида кўриши зарур. Бунда “у бошқа ҳуқуқий тартиботларга эга давлатларнинг моддий ҳуқуқида мавжуд фарқлар, шу жумладан компанияларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари маълум бўлади”<sup>8</sup>.

А.Б.Левитин фикрича “коллизион нормалар чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмайди, уларнинг вазифаси асосан қўлланиши зарур бўлган бирон бир давлатнинг ички моддий ҳуқуқи нормасини кўрсатишдан, яъни унга ҳавола қилишдан иборат. Коллизион норма воситасида вужудга келган муносабатларни келажакда тартибга солиниши маълум ҳуқуқий соҳанинг моддий-ҳуқуқий нормаси воситасида амалга оширилади”<sup>9</sup>.

Х.Рахмонқуловнинг фикрича, “фуқаролик-ҳуқуқий ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини бир-биридан ажратиб, ёки уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, фуқаролик-ҳуқуқ нормаларисиз халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг иложи бўлмаганидек, коллизион, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларисиз моддий ҳуқуқ нормаларини халқаро мулк, мулк билан боғлиқ шахсий, оилавий, меҳнат муносабатлари ва процессуал ҳаракатларга нисбатан қўллаб бўлмайди, улар биргаликда вазифани бажаришга қаратилади”<sup>10</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коллизион нормалар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар табиати турли ҳуқуқ нормаларининг мажмуаси сифатида намоён бўлади. Бунда муносабатларнинг ҳар бир хусусияти ўзига хосликка эга бўлади.

Фикримизча, юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳар доим ҳам юридик шахсни тугатишни англатмайди. Масалан, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш

<sup>6</sup> Мингазов Л. Х. Эффективность норм международного права: теоретические проблемы. – 1999. – С. 86.

<sup>7</sup> Аухатов А.Я. Российское законодательство в области коллизионно-правового регулирования юридических лиц. Журнал российского права. 2009. №7 (151), 104-б. (100-110-с.).

<sup>8</sup> Аухатов А.Я. Российское законодательство в области коллизионно-правового регулирования юридических лиц. Журнал российского права. 2009. №7 (151), 105-б. (100-110-с.).

<sup>9</sup> Левитин А. Б. Спорные вопросы международного частного права //Учен. зап. ВИЮН. – 1957. – №. 2/6. – С. 70-76.

<sup>10</sup> Муаллифлар жамоаси. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2002. 17-б. (448-б.).

ўзига хос тарзда амалга оширилади ва бунда юридик шахс фаолиятини тугатади. Ажратиб чиқариш шаклидаги қайта ташкил этишда эса, қайта ташкил этилаётган юридик шахс ўз фаолиятини тугатмайди («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 96-моддаси).

И.Б.Зокировнинг фикрича, “юридик шахсни бекор қилишнинг иккинчи шакли – уни ҳуқуқ субъекти сифатида тугатиш ҳисобланади. Корхонани тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор бўлишига олиб келади. Зеро, ташкилотларни тугатиш уларни қайта ташкил этишдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга. Бунинг асосий сабаби юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг талаби ворислик асосида янгидан ташкил этилган корхонага ворислик бўйича ўтади. Тугатилганда эса юридик шахс ўз-ўзидан ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топади ва шу билан биргаликда унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам тугайди. Шунинг учун ҳам корхонани тугатишда кредиторларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади”<sup>11</sup>.

Юридик шахсларни «қўшиб юбориш» атамаси айни пайтда юридик шахсларни «бирлаштириш» атамаси билан бир маънода ишлатилиш ҳолатларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. «1963 йилдаги Гражданлик кодексига юридик шахснинг тугатилиши билан унинг қайта тузилиши тартибига фақат битта 38–модда бағишланган бўлиб, ундабундай тартиб, “агар СССР Иттифоқи қонунлари билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади” ўрнатилган эди, холос. Ҳақиқатда эса, бундай масалалар ушбу Кодекснинг 3–моддасига биноан собиқ СССР қонунлари билан тартибга солинарди»<sup>12</sup>.

С.С.Гуломовнинг фикрига кўра, “жамиятни қўшиб юбориш деганда, икки ёки бир неча юридик шахсни ўз фаолиятларини тугатиб, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги юридик шахсни вужудга келтиришлари тушинилади ва шу орқали қўшиб юборишда янги вужудга келган жамият бирлашган жамиятларнинг универсал ҳуқуқий вориси ҳисобланади”<sup>13</sup>.

Ф.Кутлымуратовнинг фикрича, “юридик шахсни қайта ташкил этиш ихтиёрий асосда амалга оширилади. Айрим ҳолларда юридик шахс ажратиб

<sup>11</sup> Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 187 б. (-611 бет).

<sup>12</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: O‘zbekiston. 2008. –92 б.

<sup>13</sup> Раҳманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право.-Тошкент: ТГЮИ, 2004.-394 с.

чиқариш ёки бир ёки бир неча юридик шахсга бўлиш ваколатли давлат органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин”<sup>14</sup>.

Фикримизча, юридик шахсларни ташкилий–ҳуқуқий шакллари уни ташкил этишга ўзини таъсирини кўрсатади. Масалан, тижоратчи ва нотижорат ташкилотларини қайта ташкил этиш ўзига хос режимга эга. Юридик шахсни қайта ташкил этишни тўғри талқин қилиш зарур. Бунда юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади (ФКнинг 53–моддаси). Юридик шахсни қайта ташкил этиш эса, анъанавий равишда бешта усулда, яъни кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш шаклида амалга оширилади (ФКнинг 49–моддаси). Юридик шахсни қайта ташкил этишда юридик шахс тугатилиши, ҳуқуқ субъекти бекор бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Н.Имомовнинг фикрича, “Фуқаролик кодексига тижоратчи бўлган ташкилотларнинг мутлақ рўйхатини киритиш амалий жиҳатдан зарур бўлган, чунки бу бозор иқтисодиётига ўтиш даврида муҳим шарт бўлиб ҳисобланар эди. Тижоратчи бўлган ташкилотларнинг ташкилий–ҳуқуқий шакллари белгилаш қонун чиқарувчи учун уларни оммавий–ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати билан изоҳланади”<sup>15</sup>.

Д.М.Қараходжаеванинг фикрича, “мулкий муносабатларни тартибга солиш концепцияси давлат назорати ва ўзини ўзи тартибга солиш институтлари томонидан ўзаро тенг равишда уйғун ҳолатда қўллашни тақозо қилади ва бу давлат ҳамда мулкдор манфаатларини таъминлайди. Бунда нафақат суд ва маъмурий органлар балки, нодавлат ўзини ўзи тартибга солувчи ҳамда жамоат ташкилотлари ҳам фаол қатнашиши зарур”<sup>16</sup>.

Фикримизча, тижоратчи бўлган ташкилотларнинг ташкилий–ҳуқуқий шакллари белгилаш анъанавий шаклланган ва бутун дунёда амал қилувчи тизим қоидаларидан келиб чиқиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739–сон Фармонида кўра, янги тартиб амал қилмоқда. Унга кўра, “тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатишда бир ёки бир неча даврий босма нашрларда қорхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб

<sup>14</sup> Қутлымуратов Ф.К. Проблемы гражданско-правового регулирования принудительной реорганизации юридических лиц: Дисс...канд.юрид.наук. – Т.,2009. -С.104 -106.

<sup>15</sup> Имомов Н. Юридик шахсларни турларга бўлишнинг танқидий таҳлили. //Yuridik fanlar axborotnomasi-Vestnik юридических наук-Review of Law Sciences. 1 (2017) 68-74.

<sup>16</sup> Қараходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т.: ТГЮИ, 2008.

этилмайди, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилади. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия–хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия–хўжалик фаолияти текширилмайди. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган, тугатиладиган корхонанинг молия–хўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади.

Молия–хўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади. Корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак”<sup>17</sup>.

Мазкур Фармон “юридик шахсни тугатишда муҳим норматив–ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажармоқда. Чунки, илгари мавжуд бўлган тартиб турли оворагарчиликлар, сансалорликлар ҳамда бюрократик тўсиқларни беихтиёр қўйилишига олиб келар эди. Бир тарафдан солиқ қарзини ундиришдан иборат эзгу мақсадлар қўйилган ҳолда, бошқа тарафдан коррупцияга йўл очиш ёки юридик шахсни тугатишнинг “тубсиз чуқурликдан” иборат жараён бошланар эди”<sup>18</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия–хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 704–сон қарорида «молия–хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари фаолиятини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш учун тўққиз ой мобайнида молия–хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига пул маблағлари тушмаганлиги ҳамда тўққиз ой мобайнида солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги асос бўлади»<sup>19</sup>.

Ш.Нуриддинованинг фикрича, “юридик шахслар бекор бўлишини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий тавсифи шуни кўрсатадики,

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 06/19/5739/3249-сон.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 06/19/5739/3249-сон.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия–хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 704-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.08.2019 й., 09/19/704/3608-сон.

юримдик шахсларни бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари муайян бир тизимга солинмаган ва уларни амалиётда тўлиқ татбиқ этишнинг изчил механизми ҳам мавжуд эмас. “Юримдик шахсларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низомини қабул қилиш мақсадга мувофиқ”<sup>20</sup>. Ушбу фикрга яқин фикрни А.Шукруллаев ҳам илгари суради ва “Ўзбекистон Республикасининг “Юримдик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида” ги қабул қабул қилиш зарурияти борлигини таъкидлайди”<sup>21</sup>.

Фикримизча, юримдик шахсларнинг тури, ташкилий–ҳуқуқий шакли, давлат иштирокига доир нормалар мавжуд экан, уларни қайта ташкил этишга доир қонун ҳужжатлари ҳам бўлиши табиий. Бунда барча ташкилий–ҳуқуқий шаклдаги юримдик шахсларни битта низом билан тартибга солиш қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан пухта таҳлил қилиниши талаб қилинади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» ги 704-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.08.2019 й., 09/19/704/3608-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 06/19/5739/3249-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 06/19/5739/3249-сон.
4. Нуриддинова Ш.Т. Юримдик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юримдик фанлар номзоди диссертацияси. ТДЮИ, -Т., 2008. -41-б.
5. Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши. Юримдик фанлар номзоди

<sup>20</sup> Нуриддинова Ш.Т. Юримдик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юримдик фанлар номзоди диссертацияси. ТДЮИ, -Т., 2008. -41-б.

<sup>21</sup> Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши. Юримдик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. 2001. 12-б.



илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. 2001. 12-б.

6. Имомов Н.Ф. Юридик шахс моҳиятини фўқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар). Монография. Тошкент: ТДЮУ, 2017. 125-б. (-156 б.)

7. Мингазов Л. Х. Эффективность норм международного права: теоретические проблемы. – 1999. – С. 86.

8. Аухатов А.Я. Российское законодательство в области коллизионно-правового регулирования юридических лиц. Журнал российского права. 2009. №7 (151), 104-б. (100-110-с.).

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда

10. Богуславский М.М. Международное частное право. Издание пятое, переработанное и дополненное. –Москва.: Юристь, 2005. 60-61-б. (-510-с.)